

Баҳодир КАРИМ

Пекин таассуротлари

Пекиндаги Миллатлар Марказий Университетида 2005 йил сентябрь ойида “Ўзбек тили” бўлими ўз фаолиятини бошлаши керак эди. Айни университет бизнинг Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорлик қилишни маъқул топибди. Бу икки олий даргоҳ ўртасида асосан таълим жараёнида тажрибалар алмашиш, талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашинувини ташкил қилиш, биргаликда илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш ҳамда илмий анжуманлар ўтказиш режалаштирилган.

Пекинга бориб, шу масалаларни ойдинлаштириш, муҳокама қилиш ва ўша университет раҳбарияти билан музокаралар олиб бориш учун бир неча ой тайёргарлик кўрдик. Хусусан, ўзбек тилидаги зарурий адабиётлар, дарслик, ўқув қўлданмалари, ўқув дастурлари — китоблар жамланди. Совға-саломлар олинди.

ЎЗМУ ректори профессор Раъшан Ражабович Ашуров билан Пекинга учдик. Учоқда ўйга толдим. Хитойлик ҳамкасбларимизга мен нималар тўғрисида гапириб беришим мукин, деган савол ҳаёлимда кезинди. Шунда ўзаро қадимий муносабатлар, ўзбек-хитой адабий алоқалари юзасидан айрим фикр-мулоҳазалар пайдо бўлди. Умуман, ўзбек адабиётида Хитой мавзуси баҳонасида айрим қайдлар юзага келди.

* * *

Ўзбек халқи Хитойлар билан қадим замонлардан бери маданий-адабий алоқаларда бўлганлиги алоҳида исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Зотан, қадим Туркистон Буюк ипак йўлида жойлашган асосий мамлакатлардан бири саналади. Шарқдан ғарбга, ғарбдан шарққа қатнаган савдо қарвонлари йўлидаги бу ўлкалар ўзаро маданий таъсир доирасида бўлгани аниқ. Туркистон савдогарлари қадим Хитой чинниси ва ипакларига доимий харидор эди. Ўзбекларнинг маданий-маиший турмушига тегишли сўзлар текширилганда хитой тилидан ўзбек тилига ўтган айрим сўзларни кузатиш мумкин. «Манти», «лағмон», «мампар», «домулла», «шийпон», «чинни» сингари сўзлар шулар жумласидандир.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг» асари ўзбек адабиётининг қадим намуналаридан бири саналади. Асар ўн биринчи асрда, аниқроғи, 1069 йилда Қашғарда ёзиб тугатилади. Бу даврда турк, форс ва хитой адабиётида айнан шунга ўхшаш панд-насихат — дидактик услубда ёзилган асарлар кўп бўлган. Зотан, Юсуф Хос Ҳожибнинг ўзи ҳам ўша манбалардан фойдаланганини «Кутадғу билиг» муқаллимасида: «Бу китобни Чин-Мочин ҳақимларининг масаллари, шеърлари билан безатдим», дея эътироф этади. Бу далил ҳам узоқ тарихда хитой адабий манбалари, ҳикматли сўзлари туркий тили ижодкорлар эътиборида бўлганини кўрсатади.

Бадий адабиётларда ўзбек шоирлари ўз асарларидаги адолатли, донишманд ва мард қаҳрамонларни хитойликлардан танлагани бежиз эмас. Буюк ўзбек шоири Алишер Навоий ўзининг «Фарҳод ва Ширин» достонида дўстликни улуғлар экан, Ширинни арманистонлик, Шопурни эронлик ва достоннинг бош қаҳрамони Фарҳодни хитойлик сифатида тасвирлайди. Бунда ҳам ўзига хос эстетик маъно мавжуд, албатта.

Машҳур ўзбек шоири Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Фурқат ҳаёти ва ижодининг муайян даври Хитой замини, хусусан, Ёркент билан боғлиқдир.

Жадиҳ адабиётининг йирик намояндаси Маҳмудхўжа Беҳбудий аслан хитойча бўлган «Тасодуф» деган бир ҳикояни 1909 йилда «Туркистон вилоятининг газети»да эркин таржима қилиб нашр қилдиради. Бу ҳикоя Беҳбудийнинг «Танланган асралар»ига «Оқ елпигичли чинли хотун» номи билан киритилган.

* * *

Эркпарвар ўзбек шоири Абдулҳамид Чўлпон жаҳон адабиёти дурдоналарини яхши билгани, улардан айримларини таржима қилгани маълум. Чўлпон рус, турк, татар, ҳинд ва хитой ижодкорларининг асарларидан хабардор эди. Албатта, у хорижлик ижодкорларнинг асарлари билан, табиийки, рус тили орқали танишади ва шу тил орқали ўзбек тилига таржима қилади. Чўлпон хитойлик шоирлардан Вей Ин Юнинг «Ўрдақ овози» ҳамда «Тоғда тунадим» номли, Лу-Цзин-Ваннинг «Олисларга қарайман» деган шеърларини рус тили орқали 1930 йилларда Москвада яшаб ишлаган вақтларида таржима этади. Шу ўринда Чўлпон таржима қилган шеърлар матнини келтирамиз.

ОЛИСЛАРГА ҚАРАЙМАН

(Лу-Цзин-Ван шеъри, таржима)

Туғилган ерлардан айрилиб
Яшайман шу йироқ «Сан-ба»да.
Бир қуни шийпондан қайрилиб
Қарадим: баҳор кўп озода...

Толғали сойларнинг бўйида
Бир таниш кишини кўрмасам,
У олис элимнинг ўйида
Мумкинми ёнмасам, қуймасам?

1930 йил.

ЎРДАҚ ОВОЗИ

(Вей Ин Ю шеъри, таржима)

Севгили юртимни қолдириб келдим
Йироқда... йироқда... аллақайларда.
Баъзида ўйлайман ёниб юрагим:
«Оҳ, қачон бўламан ўсган жойларда?»

«Ху-Ан-Нан» оқшоми...
Куз фасли...
Ёмғир...
Мунгайиб тураман болохонамда.
Тинглайман: учмакда тепамда, томда
Юртимдан келувчи ўрдақлар қур-қур...

1930 йил.

ТОҒДА ТУНАДИМ

(Вей Ин шеъри, таржима)

Шу юксак тоғларнинг бошига
Учағон булут ҳам етолмас.
Ҳар томон туманли...

Куюқ нилпунлик.
 Кўзларни хиралик ва парда босмоқда.
 Тонг чоғи...
 Бир дамда мингларча дарахтда
 — Дам очиб, дам ёпиб-
 Нурлар-ла ўйнар ой.
 Саноксиз тоғларнинг кетида,
 Кўзларнинг мусаффо сувлари
 Тубанга чопмоқда...

1930 йил.

Чўлпон таржима қилган ушбу шеърлардаги:

«Туғилган ерлардан айрилиб
 Яшайман шу йироқ «Сан-ба»да».

Ёки:

«Севгили юртимни қолдириб келдим
 Йироқда... йироқда... аллақайларда», —

сатрлари шоирнинг руҳий оламига мувофиқ келган, албатта.

Шунингдек, Чўлпон хитой мавзусида хитой актёри Мей Лан Фон (1894-1961) ҳақида 1935 йилда «Мей Лан Фон» номли мақола ёзади. Ушбу хитойлик санъаткор 1935 йилда Москвага гастролга келади. Чўлпон у ижро этган асарларини томоша қилиб шу мақолани ёзади. Мақолада санъаткор оламини тўғри баҳолаш, санъатнинг қадр-қимматини кўтариш, Чўлпонга хос пафос устуворлик қилади. Чўлпоннинг ёзишича, Мей Лан Фонни хитойликлар севади, унинг маҳоратига баҳо бериб: «Ёруғ юлдуз» дейишади. Шунингдек, ушбу санъаткор мухлислари орасида гўзал бир образли таъриф ҳам тарқалган: «Унинг бир кулимсираши — минг йиллик асарлар, унинг бир оҳи — минг йиллик хазон». Хитойда аёллар ролини ижро этадиган актёрларни «тан» деб аташади. Мей Лан Фон доимо аёллар ролини қўйилмақом қилиб ижро этади. Чўлпон бу санъаткорнинг олгита драматик асарда ўйнаган ролларини томоша қилади. Унинг қўл ҳаракатларидан чексиз ҳайратга тушади. «Унинг ўн бармоғи ўнта талангли актёрнинг вазифасини бажаради: хусусан, қўлини гоҳ енг ичига олиб, гоҳ чиқариб енг билан шундай ўйинлар қиладики, кўзингизни узолмайсиз!» Қадим Хитойнинг — Мей Лан Фоннинг театрига Чўлпон яна бир баҳо беради: «Бу минг йилларнинг театри, бу — анъана театри, бу — юксак санъат театри». Чўлпон бу мақоласида нафақат Мей Лан Фон ижодига, балки Хитой театр санъатига ҳам юксак баҳо беради. Бундай қарашлар хитой театршуносларини бефарқ қолдирмаса керак.

* * *

1958 йилда еттинчи асрда яшаган Хитой мумтоз адабиётининг йирик намояндаси, таниқли шоир Ли Бонинг шеърлари рус тили орқали ўзбек тилига таржимонлар гуруҳи томонида ўгирилиб «Лирика» рукнида нашр қилинган эди.

XX асрнинг 80-йилларида шоир Абдували Қутбиддин Хитой шоири Ай Тсиннинг «Қамиш сурнай», «Баҳор», «Охур», «Тошқўмир билан суҳбат», «Қор тушади Чин заминига», «Кийим ямаётган аёл», «Куёш» номли еттита шеърини рус тили орқали ўзбек тилига таржима этди. Шеърлар эркин вазнда ёзилган, мазмун-моҳиятида умуминсоний масалалар етакчилик қилади.

Маълумки, бу йилларда адабий алоқалар, айниқса, таржима ишлари ҳар доим рус тили орқали амалга оширилар эди.

Ўзбекистонда истиқлолдан кейин хориж тилларини, хусусан, хитой тилини биладиган ёш мутахассислар етишиб чиқди. Хитой тили ва адабиёти фанидан жиддий машғулотлар олиб бораётган, шунингдек, тўғридан-тўғри хитойча асарларни ўзбекчага ўгираётган таржимонлар майдонга келди.

Тошкент Давлат Шарқшунослик институти муаллими Жасур Зиёмухаммедов 2005 йилда хитой адиби Пу Сунглинг (1640-1715) ижоди юзасидан «Пу Сунглиннинг сеҳрли новеллалари (Сюжетнинг келиб чиқиши ва ривожланиши масалалари)» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Айни чоғда,

у 2003 йилда доцент М.Х.Маҳмудхўжаев билан бирга Пу Сунглиннинг ўн тўққизта ҳикоясини аслиятдан ўзбек тилига таржима этиб, «Ляожай ривоятлари» номи остида иккита китоб ҳолида нашр қилдириди.

Шу ўринда, Хитой адабиётидан айрим намуналар «Жаҳон адабиёти» журналида ҳам эълон қилинаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Табиийки, бундай асарларнинг таржималари ўзбек китобхонларини хитой адабиётига яқинлаштириш учун хизмат қилади.

Жаҳон маданий-маърифий оламига Конфуцийдек довишмандни берган хитой халқининг адабиёти ниҳоятда қадимий, бой ва ўзига хосдир. Бундай бетакрор адабиёт намуналаридан ўзбек халқининг тўла-тўқис баҳраманд бўлиш вақти келди. Маданий-маърифий, таълим-тарбия ва адабий-илмий соҳалардаги ҳамкорликларни ривожлантириш бутунги эҳтиёждан келиб чиқади.

* * *

Учоқ ерга кўнди. Пекиндаги халқро аэропортда қўлларидаги қоғозга исм-фамилиямизни ёзиб олган иккита аёл — Чжан На ҳамда Ван Тин кутиб олди.

Чжан На—рус тили бўйича мутахассис, тилни яхши билади. Москвада бир йил амалиёт ўтаб қайтган 40 ёшлар атрофидаги бу аёл билан гапимиз тезда қовушиб кетди. Университетимиз сайтига кириб, биз тўғримизда анча-мунча маълумотларни билиб олибди. Ҳайратланмадик, албатта. Равшан Ашуров эса ММУ ҳамда Хитойдаги таълим тизими, ҳатто айрим кутубхоналардаги китоб фонди ҳақида гапирганда Чжан На бир оз ҳайратланди. Равшан ака латифа айтди.

Латифа. Бир куни хитой билан ўзбек учрашиб қолибди. Ўзбек хитой аҳоли нуфузини сўраб: «Э-ҳе, жуда одам кўп экан-да», дебди. Хитойлик эса ўзбеклар сони бор-йўғи йигирма-йигирма беш миллион эканлигини эшитгач: «Сиз ўзбеклар ҳаммангиз бир-бирингизни жуда яхши, юзма-юз танисангиз керак. Шунчаками?» деган экан.

Бу аёл эргаси куни ММУ ректори Э Итай ва бошқа раҳбарият билан учрашувимизда таржимонлик қилди.

ММУ раҳбарияти билан дастлабки мулоқот — танишув университетнинг марказий биносида бўлди.

Э Итай икки миллат дўстлиги, орадаги алоқаларнинг ривожланиб бораётганлиги, мазкур олий ўқув юртининг ҳолати, тарихи ҳақида гапирди. Университетда Хитойда этник жиҳатдан камчиликни ташкил этадиган 56 миллат вакили таҳсил олади. Ушбу ўқув даргоҳи 1951 йилда ташкил топган. 1993 йилда унга Миллатлар Марказий Университети мақоми берилади. Бутунги кунда 13 мингга яқин талаба шу даргоҳда ўқийди. Хитойдаги этнология йўналишига жуда катта аҳамият берадиган университетлардан бири. Бу даргоҳда рус, қозок, уйғур, қирғиз тилларини ўрганувчи махсус бўлимлар мавжуд. Шулар қаторига «Ўзбек тили» бўлими ҳам кириши керак. Э Итай сўзининг аввалида проректорлар — Чэнь Ли, Ма Вэньси ҳамда халқро алоқалар бўлими бошлиғи Хе Кэюн билан танишгирди.

Ўз навбатида Равшан Ашуров Ўзбекистон-Хитой маданий алоқалари ва ЎзМУга оид фикр-мулоҳазаларини айтди. Университетимиз тарихи, бошқа олий ўқув юртларининг ташкил бўлишидаги тарихий роли, университетимизнинг ҳозирги аҳволи тўғрисида сўзлади. Чжан На таржима қилиб турди.

Мулоқот охирлаганда совғалар берилди. Басавлат Э Итайга ўзбекнинг зар тўни билан дўпписи ниҳоятда ярашди.

ГУГУН

Бир куни тушдан кейин Ван Юе исмли талаба қиз бизни қадим Хитой императорларининг қароргоҳи Гугунга бошлаб борди. Ван Юе — ўзини русча «Лариса» исми билан танишгирди. Лариса Гугунда кўп бўлган. Жуда кўп сайёҳларга йўлбошловчилик қилган. Лариса ора-сирада қизиқ-қизиқ маълумотларни гапириб қўяди. «Мана бу қўшалок дарахт остида ҳамма расмга

тушади. Бу севишганларнинг висолга эришиш рамзи». Ўзи очикқўнғил, самимий қиз. Баҳайбат хитойча услубда, томи соябонли кенг шляпани эслатувчи, бир-бирининг ичига киритиб барпо этилган бинолар тарихи биз учун қизиқ. Саволлар бериб, керакли маълумотларни билиб борамиз. Гугун — жуда катта майдонда жойлашган императорлар қалъаси. Хитойлик сайёҳларнинг кети узилмайди.

Гугуннинг шундайгина давоми сифатида Мао Цзе Дун мавзолейи ҳамда хитойча ҳайбатли дарвоза ўрнатилган бир майдон келади. Ке (осмон) — Эн (саодат) — Мэн (халқ) деб номланадиган бу майдон дунёдаги энг катта сайлгоҳ саналади.

Хитой халқи сайр-саёҳатни яхши кўради. Гуруҳ-гуруҳ бўлиб юрганларнинг, албатта байроқча кўтариб олган битта раҳбари бор. Раҳбар бўлмаса қийин, адашиб қолиш ҳеч гапмас. Гуруҳ аъзолари, йўқолиб қолмаслиги учун, ақалли бош кийимларини бир хил кийинтиради. Микрофонда гапириб, кўриб борилаётган зиёратгоҳ жойларни таърифлаб беради.

Уч филдиракли велосипед ва мотоциклларда тирикчилик қилаётган одамлар кўп учрайди: йўловчи ёки юк ташийди. Сотувчи аёллар бош кийим, турли суратлар, китобчалар таклиф қилади. Ректоримиз саҳифалари Мао Цзе Дуннинг расмлари билан безалган хитойча-инглизча лугатни варақлайди. Қизиқиб нархини сўрайди — ўн доллар. «Қиммат!» Аммо сотувчи кетмайди, ҳеч кетишни истамайди. «9,8,7,6 доллар ола қолинг, майли — 5 га тушдим». Нима бўлса ҳам сотмоқчи. Кетмайди. Аммо хитойча иероглифни ким ўқий олади? На мен, на шеригим. Ҳалиги сотувчидан бир оз узоқлашамиз. Шунда Равшан ака бир воқеани сўзлади.

Бурагич-бурғу воқеаси: Икки олим — Бекмирза ака билан Куронбой ака Туркияга илмий анжуманга борибди. Анжуманда илмий маърузалар қилиб, қайтар маҳали бола-чақага совға-салом учун бозор оралабдилар. Ул-бул олган бўлишибди. Куронбой ака қараса, бир турк фуқароси қўлида каттагина бурагич-бурғу сотмоқчи бўлиб турибди. Уринлими-ўринсизми — нархини сўрабди Куронбой ака.

— 50 доллар.

— Қиммат экан.

— Қанчага оласиз?

— Йўғ-э!

— Нега иккиланасиз, рўзғорбоп ускуна.

— Э, қандай бўларкин?

— Олинг, майли, 40 доллар беринг!

— ...

— Майли, ўтгизга тушдим.

Шу зайлда ҳалиги турк сотувчиси профессор-харидорнинг кетидан эргашиб, меҳмонхонагача боради. Нима қилиш керак? “Одамни шарманда қилманг, олинг энди Куронбой оға! Пул кетса-кетсин, орият кетмасин. Ўн доллар экан». “Марҳамат”. Шу зайлда бурғу сотиб олинади. Аммо у нима учун керак? Кимга керак? Ким, қачон, қаерда ишлатмоқчи? Шу пулга уйга бориб, Тошкент ёки Нукус бозоридан иккитасини сотиб олиш мумкин. Бўлар иш бўлди, бўёғи сингди. Энди уни сумкага жойлаш лозим. Сумкада эса жой йўқ. Бориб саккиз долларга сумка сотиб олинади. Юк устига юк. Бурғуга бало борми? Ортиқча юк учун Учоқда яна пул тўланиши лозим. “Шуни сиз олинг, арзон бераман, Бекмирза”. “Божхона ходимларидан ўтгандан кейин сотсангиз оламан”.

Бурғу ҳангомаси ҳалигача тутаган эмас. Бу ускуна Куронбой аканинг ертўласида ҳозир занг босиб ётибди. Ишлатилган эмас. Бироқ Туркиядан олиб келинган совға-да у.

ХИТОЙНИНГ СОДДА ҚИЗИ

Бир куни кечки овқат маҳали дастурхонга яна турли таомлар тортилди. Мен сабрим чидамай, эндигина ўрганиб келган табаррук бир сўз — “Мем пау” — “Нон” дедим. Дарҳол дастурхонга нон келтирилди. Хитойча турли таомлардан бир-бир тановул қилиб ўтирибмиз. Хизматчи қиз овқатни бериб, ёнингда туради. Чойни пойлайди — чой қуяди. Бироқ биров қараб турса, овқатланиш, айниқса,

қўл ўрганмаган қўш таёқни ишлатиш ноқулай бўлар экан. “Чаазе” — санчқи биз учун махсус қўйилган. Мезбонлар бажонидил бизни меҳмон қилиш пайида. Табассум қилади. Бир оз чала-чулга инглизча гапирадиган қиз келиб: «Кейинги дастурхон тузашда қайси таомлар қўйилишини хоҳлайсизлар», деган мазмунда гапиради. Дастурхонда турган косачаларга ишора қилиб кўрсатамиз. Қиз ёзиб олади. Шу маҳал инглизча гапиришни истаб қолганиданми ёки кейинги мурожаатини ўйлабми, ҳар тугул, Равшан Ашуровдан исмингиз ким деб сўраб қолади хизматчи қиз. Равшан ака унинг дафтарчасига лотин ҳарфлари билан ўз исми-фамилиясини ёзиб беради. Шундан кейин фаройиб воқеа бўлди. Қизгина ручкани олиб, бир қоғозга ўзининг, иккинчи қоғозга ёнидаги дугонасининг исми-фамилиясини ёзиб берди. Аммо хитойча иероглифларни на мен, на шеригим ўқий олади. Наҳотки, шуни ўйламайди Хитойнинг содда қизи? Равшан Ражабович эса қоғозларни олди, уларни яна хижолатга қўймаслик учун: «Сэ,сэ» — «Раҳмат», деди. Энди савол бериш ҳам ортиқча иш. Бир қоғоз чеккасини буклаб: “Баҳодир, буниси кўп гапирадигани, буниси жим турадигани”, деди. Бироқ ундаги ёзувни ким ўқийди, маънони ким англайди? Қизлар эшикдан чиқади, ичкарида туйқус кулги кўтарилади.

МУЗЕЙ

Хориж мамлакатлари биз ўзбеклар учун ҳар доим қизиқ туюлади. Айниқса, бутун оламни пахта даласию трамвай юрадиган шаҳар, дея тасаввур қилиб, умрини ўтказган кинчи учун чет юрлар бамисоли афсонадир. Аммо, кўрилаверса, кўз ўрганади, эшитавериш кулоқ кўникади. Бир марта борилган мамлакатга қайта борилса, ҳайрат ва қизиқишлар нисбатан сўниб боради. Мен шахсан Германияга учинчи марта борганимда, ўша мамлакатдаги барча ҳодисаларни анча табиий қабул қилдим.

Аммо Хитой мен учун янгилик эди. Айниқса, ўн уч миллион аҳолиси бўлган Пекин томошаси ниҳоятда завқли ва қизиқ.

Хитойда 56 миллат яшайди. Уларнинг деярли барча вакиллари ММУда ўқийди. Биз ММУ музейини томоша қилдик. Ута бир меҳр-муҳаббат ва жиддий эътибор билан безатилган фаройиб, бағоят гўзал бир музей. Ҳар бир миллатнинг кийим-кечаклари, безаклари, идиш-товоқлари жой олган бу музейдан. Шу жумладан, ўзбекларнинг (улар Хитойда 10 мингга яқин) расмлари, чопони музей экспонатлари орасидан жой олган.

Музейнинг иккинчи қаватида Хитой миллатларининг диний эътиқодига дахлдор кўргазмалар қўйилган. Бутпарастларнинг турли кўринишдаги анжомлари, насронийлар эътиқодига тегишли нарсалар бор. Музейга Хитойдаги мусулмонлар масжиди расми ҳамда Куръони Карим нусхаси қўйилган.

Кийим-кечаклар, урф-одатлар бўлимида қўлига қалам олиб, алланималар ёзилган қоғозларга тикилиб турган, ҳар бир экспонатни жиддий ўрганаётган талабалар эътиборимни тортди. Кийим-кечаклардаги безакларни, ўша безаклар “тили”ни, безаклар “кроссворди”ни ечишга шўнгиган бу талабалар. Бунга шубҳа йўқ. Чунки экскурсовод музейдаги ҳар қандай бош ёки оёқ кийимидаги оддий чизикларни ҳам, ўша экспонатларнинг тарихини ҳам батафсил гапириб берди. Аллақайси миллат аёллари бошига киядиган кумуш гулли қалпоқ ёки безак учун бўйнига тақадиган оғирдан-оғир баҳайбат бўйин ҳалқалари — табиийки, ўзига хос маъно касб этади.

Газлама тўқийдиган дастгоҳ бор экан музейда...

Музейнинг бошқа бир бўлинмаси ММУнинг яқин тарихига тааллуқли.

ҒАРОЙИБ ТУШЛИК

Хитой халқи ўзимизнинг ўзбек миллатига ўхшаб жуда меҳмондўст кўринди. Тушлик қилиш учун фаройиб бир ошхонага кирдик. Доира шаклидаги стол. Ўртада қайнаб турган қозон. Қозоннинг ички қисми иккига бўлинган. Бир томонида қайнаётган “шўрва” нисбатан аччиқ — гармдори кўпроқ қўшилган.

Иккинчи қисмида оддий шўрва. Меҳмонлар учун безатилган бу столдаги меҳмондўстликнинг ажабланарли жиҳати шундаки, барча масаллик, майдалаб юпқа кесилган ҳолда ўртага қўйилади. Хитойча қошиқ-қўшқўп билан масаллик ўртадаги қайнаб турган қозонга ташланади. Масалликлар — гўшт, қўзиқорин, хамир, балиқ, турли-туман ўтлар қозонда қайнатилади. Балиқ ҳозиргина тутиб келинган, ошхонада махсус аквариум бор. Қизиқ жиҳати шуки, қозонга солинмасдан бирор нарса тановул қилинмайди. Хитойча ошхонанинг шу жиҳати эътиборимни тортди.

МУЛОҚОТ-МУЗОКАРА

Пекиндаги Миллатлар Марказий Университетида ректорни президент деб номлашади. Президентнинг турли йўналишлар бўйича 5 та муовини бор. Шулардан бири уйғур миллатига мансуб Ҳабибулла Хўжадир. Ўзбекча-уйғурча сўзлашдик. Ҳабибулла Хўжа ММУни тамомлаган. Иқтисод фани бўйича мутахассис. Ҳозирги кунда шу университетда гуманитар йўналиш бўйича ректор муовини. Ўзбекистонга жуда қизиқади. Умумтуркий адабиётдан яхши хабари бор. Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Бобур — рўйхатни давом эттириш мумкин — буларни яхши билади. Ўқиган. Айниқса, Абдулла Қодирий ва унинг “Ўткан кунлар”ини эшитганда, басавлат одам ҳаяжондан енгил силкинади. Бир сакраб тушгандек бўлади. Қиёфасида романни хузур-ҳаловат билан ўқиганлиги аломатлари сезилади.

Агар ММУда “Ўзбек тили” бўлими очилса, проректор Ҳабибулла Хўжа қилиниши лозим бўлган ишлар ҳажми ниҳоятда катта эканини таъкидлайди. Биз тасдиқлаймиз.

Дарвоқе, икки университет ўртасида бўладиган ҳамкорлик ҳужжатлари юзасидан расмий суҳбат ҳам бўлди. Уларга ўқув ишлари бўйича проректор Чэнь Ли сўзлади. Ректоримиз Равшан Ашуров ўз мулоҳазаларини айтди. Мен ўқув режаси юзасидан таклифлар билдирдим. Хусусан, ўзбек тили ва адабиёти тарихи ҳамда халқ оғзаки ижоди учун кўпроқ соат ажратиб лозимлигини гапирдим. Ўқув соатларини рақамлар билан қиёслаб кўрсатдим. Бизнинг ўзаро илмий, таржима ишларида, лингвистика ва адабий ҳамкорлик соҳаларида ойдинлаштириб олиш лозим бўлган, ўзаро муҳокама қиладиган ишларимиз йўқ эмас. Бу гап ҳам уларга маъқул келди.

БУЮК ХИТОЙ ДЕВОРИ

Бир куни буюк Хитой деворини кўргани бордик.

Пекин шаҳридан тахминан 80 километрлар шимолда, тоғлар устига барпо қилинган, дунёдаги етти мўъжизадан бири бўлмиш буюк Хитой девори тўғрисида афсоналар кўп. Қанчадан-қанча одамларнинг хоклари бор бу деворда. Қанчадан-қанча жасадлар, бошлар кўмилиб кетган бу деворга. Не-не аёллар тул қолган девор қурилиши даврида. Аммо девор қурилган. Хитойнинг шон-шуҳратини, қудратини намоён этади гуё бу иншоот.

Узунлиги 5-6 минг километрни ташкил этадиган бу гаройиб девор бундан икки минг йиллар илгари барпо қилинган. Хитой императори бир неча ўн йиллар давомида ушбу қурилишга Хитойнинг турли майда давлатларини жалб қилиб, бирдамликни майдонга келтирган.

Бу маълумотларни йўл-йўлакай эслаб борамиз. Аммо атроф бағоят фусункор, тоғлар кўм-кўк. Юрак ҳаприқади. Шеърый кайфият пайдо бўлади.

Тепага қарасанг, кўз қамашади,
Ерга қараганда, айланади бош.
Ҳар куни сайёҳлар минг тирмашади,
Ҳар куни саломга чиқади қуёш.

Хитой деворига зинадан чиқиб борилади. Деворнинг усти йўл. Эни 3-3.5 метр. Девор ҳайбатли. «Душман» томонга қаралса, махсус кузатиш жойлари, ўқ отиш учун дарчалар ясалган. Табиийки, тепага чиқиб бориш осон эмас, оёқ

толиқади. Аммо Мао Цзе Дуннинг гапи ҳаммани шу буюк деворни бир бор кўриш, уни бир бор зиёрат қилишга ундайди. У: “Кимки Хитой девори зиёратига бормаган бўлса, у ҳақиқий хитойлик эмас”, деб айтган.

Ен дафтарчага учта сўз ёзаман. “Ғаройиб, ғалати, мукаммал”. Айниқса, охириги сўз Равшан Ашуровга маъқул келади. “Рост, тўғри — сифат. Мукаммал, жуда мукаммал. Бунга ҳеч нарса қўшиб бўлмайди”.

Буюк Хитой девори минг йиллар илгари қурилган. Хитойликларнинг аجدодлари бир неча ўн йиллар давомида меҳнат-машаққат билан қурган бу деворни. Бугун ҳам бу тош девор сайёҳларни муттасил ўзига чорлаб турибди.

ХИТОЙ ИМПЕРАТОРИНИНГ ЁЗГИ БОҒИ

Хаста Ойбек уч ой Пекинда даволанган экан. «Ойбегим менинг» китобида бу ҳақда ёзилган. Зарифа Саидносирова хотирлайди: «Ойбек икковимиз икки-уч марта шаҳар айландик; коммуналарни, императорнинг ёзги боғини томоша қилдик, музейларга бордик». У хитой императорларининг ёзги боғига қилинган сайрни шундай қисқача баён этади. Бу тарихий масканни биз ҳам томоша қилдик.

Ушбу ёзги боғ майдони 290 гектарга тенг бўлиб, 220 гектар ерни сунъий равишда қазилган “Кунг-минг-ху” деган қўл ташкил этади. Ёзги сарой 250-300 йиллар муқаддам барпо қилинган. Бағоят сўлим ва ям-яшил боғдаги дарахтлар осмонга бўй чўзган. Атроф чиннидай тоза. Боғда олмахонлар ўйнаб юради. Сайр қилиб юрганларнинг кўпчилиги кексалар. Зиёратгоҳда юртнинг турли гўшаларидан келган сайёҳларни кузатиш мумкин.

Императорнинг ёзги боғида тош ҳайкаллар кўп.

Сайёҳларда ёзги боғнинг тарихига қизиқиш яққол сезилиб туради. Бу ҳам табиий. Айниқса, ушбу фусункор боғда сайр қилаётган кўпгина сайёҳлар эътиборини дунёдаги энг узун раста ўзига тортади. 1990 йилда Гиннеснинг рекордлар китобига кирган бу гўзаллик ошёнининг умумий узунлиги 728 метр. Ва шу ораликда 273 та «шийпонча» мавжуд. Уларнинг ҳар бирининг шифти ва болорларида хилма-хил манзаралар чизилган. Энг муҳими, бу санъат намуналари бири иккинчисини такрорламайди. Суратларнинг ранги мовий, қорамтир-мовий, яшил ва оқ...

Ушбу растани тавсифлаш учун бир китоб камлик қилади. Муҳими — Хитой миллатининг тарихига бўлган эътибори. Бу ерда аجدодлар томонидан яратилган ҳар бир нарса эъзозланади. Ҳатто қулаш хавфи бўлган осмонўтар дарахтлар махсус мосламалар воситасида суяб қўйилган. Қулаётгани кесиб ташланмайди. Йиқилган кимсанинг устидан тепиб ўтилмайди. Хитой донишмандлиги ҳатто шу ўринда ҳам ўз ифодасини топган.

Баланд-баланд бинолар жуда кўп. Кўз ҳаммасини илғаб ола билмайди. Бу кенгликлар ва салобатни фақат қалб кўзи билан кўриш мумкин.

Абдулла Қодирий ўз асарларида баъзан “қалам ожизлик қилади” деган иборани қўллайди.

Буюк Хитой деворидан туриб томоша қилинган гўзаллик тавсифига — қалам ожизлик қилади.

Императорларнинг ёзги боғи — сўлимгоҳнинг ажиб тасвирига қалам ожизлик қилади.

Кўзлар ўрганмаган шаҳар манзараси тасвирига — қалам ожизлик қилади.

Умуман, бирданига кўрган ва ҳайратланган нарсаларнинг ҳаммасини баён қилиш осон эмас, албатта.

«ТЕНГ-ГЕ-ЛИ ТА-ЛА»

Сафар пайтида Пекиндаги мўғуллар ошхонасига кирдик. Турли-туман таомлар, мижозлар учун ихлос билан тузалган дастурхон, ранг-баранг безаклар, яна ҳам муҳимроғи — мўғул саъаткорларининг миллий қўшиқлари кишини лол қолдиради.

Бир мўғул пулдор кишиси Пекинда шу ажойиб ресторан-ошхонани курдирибди. Ҳамманинг эътиборини тортадиган бу масканнинг номи — “Тенг-ге-ли та-ла”.

Хитойлар кўнглига-дилига яқин меҳмонларини шу афсонавий даргоҳга бошлаб боради, мезбонлик қилади. Мўғулистондан келтирилган бир қўй бор ҳолича кабоб қилинган, барча ундан татиб кўради. Кабоб, балиқ, димлама, аччиқ-чучук, мева-чева — қўйингки, барча-барчаси муҳайё.

Шундай бир тўкин дастурхондаги меҳмонларга мўғулча рақс, мўғулча куй, мўғулча урф-одатлар ва сахналаштирилган миллий тўй намойиш қилинади. Буларнинг бари уйғурча эмасми? Уйланиб қоламан. Чунки тўй манзаралари ҳам ўхшаш. Ногоралар чалиниб, шодиёналар бошланади. Муҳташам “туя” да келин келади. Куёвжўралар мардона рақсга тушади, ўзларининг жангвор юришларини, қиличбозлик-найзобозлик санъатларини кўрсатади. Савлат тўкиб давра айланади. Мардона, кўкрак кериб мағрур юради.

Келин дугоналар бошларига тўртта пиёлани тахлаб ўйин кўрсатади. Куй авжига чиқаверади. Томошабин руҳиятини юксак бир туйғулар чулғайди. Томошабин билан сахна орасидаги чегара бузилади. Охирида миллий мўғул либосларини кийиб олган рақсга қизлар меҳмонларга бир пиёлачада сув беради, бўйнига оппоқ мато ташлайди. Сувдек покиза, мусаффо матодек поклик тилайди.

Мен нима қиламан? Довдираб қоламан. Ўзимизнинг бозорлардаги дорбозлар ўйинларини кўраверганимдан пул-чақа бериш керакмикан, деган хаёлга бораман. «Пиёла»ни кўлга олиб, чўнтак ковлайман. Рақси учун пул бермоқчи бўламан ўзимча. Аммо буниси удумда йўқ.

Хулоса, мўғул сармоядори фақат ўз шахсий манфаатини ўйлаган эмас. Ушбу ошхонага келган киши — Хитойдек улкан мамлакатда туриб, мўғуллар санъати, урф-одати ҳақида бир дунё таассурот олиб кетади.

Яна ҳам муҳими, эшик олдида кутиб олиб, кузатиб қўйгувчи қизлар сизни азал-азалдан танийдигандек бағоят мулоийм муомала қилади. Кулиб туради. Одоби, ахлоқи, маданиятига қойил қоласиз. Ҳолбуки, кўпчилик мўғул деса қандайдир сахройи одамларни кўз олдида келтиради. Бироқ Хитойдаги бу санъаткорларнинг санъати мўғуллар хусусидаги тасаввурни бутунлай янгилайди.

ШАРҚОНА ТАВОЗЕ

Дунёдаги айрим миллатлар тараққиёт ва маданиятни ярим-яланғоч ҳолатда юриш билан “намоён” қилаётган бир пайтда хитойликлар ниҳоятда ҳаё билан кийинади. Бировнинг суқли эътиборини тортишни хоҳламайди. Айниқса, олий ўқув юрти талабаларининг кийими оддий. Тилла тақинчоқларини, қимматбаҳо кийим-кечакларини кўз-кўз қилиш одати йўқ бу ерда. Таълим олиш муҳим. Кўча-қўйда уч филдиракли велосипедда ҳаммоллик қилиш, арзимаган чойчақа учун аллақимларнинг қўлига қараш оғирлигини билгани учун ҳам, эҳтимол, ешлар илмга интиладилар. Бу ҳаракатлари натижасида яхши, озода ва сердаромад ишларга жойлашишни орзу қиладилар.

Гарчанд тилига тушунмасам-да, ҳар куни кечкурун телевизор томоша қиламан. Телевидениеда етмишдан ортиқ дастур бор. Эътиборли жиҳати шундаки, бу кўрсатувларнинг барчасини ота-бола, ўғил-қиз, она-бола бемалол ёнма-ён ўтириб томоша қилишлари мумкин. Беҳаё аллақандай сахналарга кўзингиз тушмайди. Бир неча ўнлаб дастурлари бўлгани ҳолда телекўрсатувларни ҳам оилавий кўрса бўлар экан-ку, деган фикрга бораман. Бошловчилар ўзини кўз-кўз қилмайди. Ҳар хил қилиқлар билан телетомошабин эътиборини тортмайди. Нимадир ўрганиш керак бўлса, биринчи галда шарқона одобни, ҳасени, мулозаматни, маданий муомалани ва айниқса, Чинликларнинг Ватанга бўлган муҳаббатига тан бераман. Бу чин гашим.